



Макотиби ибтидоия шогирдларина алифбодан сўнг ўқутмак учун мумкин даражада очик тил ва осон таркиблар ила ёзилмиш кироат китоби

БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИЙМ

Хамд

Аллоҳ таоло ҳазратлари бизни йўқдан бор килди. Кичик эдик, катта килди. Оч эдик, ризк беруб тўйдирди. Ялангоч эдук, кийим берди. Кўрмак учун кўз берди. Эшитмак учун кулок берди. Сўзламок учун тил берди. Юрмак учун оёқ берди. Ишламак учун кўл ҳам куч берди. Яхшини ёмондан, окни корадан айирмак учун акл-хуш берди. Ҳусусан, бизга иймон бериб, ўзининг бирлигига инонтириди. Барча пайгамбарларнинг афзали бўлган Мухаммад алайхиссалом ҳазратларига бизни уммат килди. Ҳам динларнинг энг хак ва тўгриси бўлган ислом дини ила мушаррафа килди. Бу нарсаларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг берган улуг неъматларидир. Булардан бошка канча неъматлар бергандирки, ёзмок ва санамок ила адо килмок мумкин эмасдир. Бу неъматларнинг ҳар бириси учун Аллоҳ таоло ҳазратларига доимо ҳамд ва шукр этмак барчамизга вожибдир. Аллоҳ таолога айтиладирган ҳамд ва шукурларнинг энг яхшиси берган неъматларини ўз ўрунларига ишлатмак ва буюрган ишларини чин кўнгил ила килиб, кайтарган ишларидан бор куч ила ўзини тортмокликдир.

Байт:

Банданинг харгиз кўлидан келмагай,
Неъмати Ҳак шукрини этмак тамом.
Яхшиси улдурки, ҳар бир неъматин
Ўз ерига сарф килгай хосу ом.
«Кил!» — деганин жону дил бирла килуб,
«Кўй!» — деганин ўзига билгай ҳаром.

САЛОВОТ

Бизнинг динимиз — ислом, ўзимиз мусулмондирмиз. Бизга ислом динини ўргатган ва мусулмонлигимиизга сабаб бўлган афандимиз Мухаммад алайхиссалом хазратларири. Бу зот Аллоҳ таолонинг энг якин ва энг суюклик бандаси эдилар. Шул сабабли бошка бандаларига тўғри йўлларни кўрсатмак ва эгри йўллардан кайтармак учун бу зотни элчи килиб юборди ва хамма бандаларига бош ва пайгамбар килди. Бу зот хам нихоятда тўғрилик илиа Аллоҳ таолонинг хамма буйрукларини сахобаларига ўргатдилар, сахобалар боболаримизга ва боболаримиз бизга еткурдилар. Шу йўл илиа биз мусулмон бўлдик. Мана шул Мухаммад алайхиссалом бизнинг пайгамбаримиз ва биз шул зотнинг умматлари дурмиз. Шунинг учун бу зотнинг ўзларига ва барча ав-лод, кариндош ва сахобаларига Аллоҳ таолодан раҳмат тиламак ва бу зотнинг кўрсатган йўлларидан ва айтган сўзларидан заррача чикмаслик хар бир мусулмонман деган кишига лозимдур.

ИЛМ

Илм — билмаган нарсаларини билганлардан ўрганмокдир.

Одам боласи тугилган замонда хеч нарсани билмас. Хаттоки сўзламок, ёзмок, яхшини ёмондан, окни корадан айирмак каби энг керакли нарсалардан маҳрумлик холда дунёга келур. Сўнгра оз-оз ўрганмок илиа хар нарсани билур.

Оталаримиз, оналаримиз, улугларимиз ва муаллим афандиларимиз ушбу билган нарсаларимизни ўргатмаган бўлсалар эди, хозирда биз хам хеч нарсани билмас эдук. Шунинг учун одам болаларига зиёда лозим бўлган нарса — билмаганларини билганлардан сўраб ва ўкуб ўрганмак, яъни илм деган азиз ва фойдали нарсани кўлга олмак учун харакат килмоқдир. Илм — одамнинг зехнини очар, аклини ортириар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда баҳтли ва иззатли килур. Охиратда саодатли ва шарофатли килур.

Байт:

Илмдур дунёда энг яхши хунар,
Илмсиздан яхшидур гунг илиа кар.
Хар киши илм-ла бўлса ошно,
Иzzatu давлатда бўлгай доимо,
Илмсиз одам залилу хор ўлур,
Илмсизлардан хамма безор ўлур.

АХЛОК ДАРСЛАРИ

Одоб

Бир киши Лукмони хакимдан: «Одобни кимдан ўргандингиз?» — деб сўрамиш. Лукмони хаким: «Одобни одобсизлардан ўргандим», — деб жавоб бермишлар. Ул киши яна сўрамишки: «Одобни одобсизлардан кандай ўргандингиз?»

Лукмони хаким жавоб бермишларки: «Доим кишиларнинг килган ишларига ва сўзлаган сўзларига диккат или караб юрдим. Кимдан ёмон сўз эшитсан, ул сўзни хеч бир сўйламадим, кимдаки бир ёмон иш кўрсан, ул ишни хеч бир килмадим, шунинг ила одобли бўлдим».

Хисса: одобли бўлурман деган киши хар нарсага иззат кўзи или бокуб, иззат олур. Кайси иш кўзига яхши кўрун-са, ул ишни килмокга харакат килур. Ва кай иш кўзига ёмон кўринса, ул ишдан ўзини тортур. Бундай килган киши, албатта, одобли бўлур.

Искандар Зулкарнайн

Ўтган замонда Искандар деган улуг бир подшоҳ бор эди. Бир кун бир девонага йўликци. Девонанинг баъзи харакатлари подшоҳга хуш келуб, айтдики: «Эй девона, мандан бир нарса сўрагил». Девона айтдики: «Эй подшоҳи олам, пашшалар манга хар вакг ташвиш берадурлар. Юз ва кўлларимни чокуб, хафа киладурлар. Буюрсангизки, пашшалар манга бундай озор бермасалар».

Подшоҳ айтди. «Эй девона, мандан шундай нарса сўрагилки, ул нарса маним хукмимда бўлсун. Ман пашшага нечук буйрук килурман?»

Девона айтди: «Эй подшоҳ, дунёдаги маҳлукларнинг энг кичкинаси ва ожизроги пашшадир. Шул пашшагаки хукмингиз юрмаса, эмди сиздан нима сўрарман?»

Хисса:

Дунёда сенинг на хожатинг вор,
Сўрагил они сан Худодан, эй ёр.

Лоғчи

Бир лофчи киши бор эди. Лоф ва ёлгон сўзларни кўп сўзлар эди. Бир кун бир мажлисда денгизларнинг ахволидан ва денгизда кўрган томошаларидан хикоя килди. Мажлисдаги кишилардан бири сўрадики: «Эй биродар, сиз денгизда кўп саёхат килганга ўхшайсиз, денгизларнинг баликлари кандай бўлур экан?»

Лофчи ул кишига бокуб: «Халигача сиз денгиз баликларини кўрганингиз йўкми? Денгиз баликлари туяга ўхшаш икки узун шохли бўлурлар»,— деди.

Мажлисда ўлтурганлар билдиларки, ул бечора на туюни кўрган экан ва на денгиз балигини.

Барчалари бирдан кулишиб юбордилар. Лофчи уялиб, мажлисдан чикиб кетди.

Хисса:

Ўгул, пархез кил сан хам хамиша лофу ёлгондан —

Ки яхшидур сукут этмок, айтуб ёлгону ёлгондан.

Икки йўлдош

Икки киши дўст ва йўлдош бўлиб, сафарга чикдилар. Йўлда бир айик чикиб, буларга югуриб хужум килди. Буларнинг бири ёш ва чаккон эди. Шу сабабли тезлик ила кочуб, бир ерга бекинди. Аммо иккинчиси ўзининг кексалиги ва кучсизлигидан кочолмай колди.

Начора, ўзини бир ерга ташлаб, ўликга ўхшаб кимирламай ётди. Айик келуб, буни исқаб-исқаб, ўлук гумон килиб, зарар еткурмай ташлаб кетди.

Айик кетгандан сўнгра йўлдош бекинган еридан чикуб келди ва кулиб айтдики: «Эй йўлдош, кулогинга айик нима деб шивирлади?»

Йўлдош жавоб берди: «Айик кулогимга, бундай ожизлик вактида сени ташлаб кетадургон кишига бундан сўнг асло йўлдош бўлма, деб шивирлади».

Хисса: Шундай кишилар ила дўст ва йўлдош бўлмок керакки, шодлигингга шод, хафалигингга хафа бўлсун. Ошга ўрток, бошга тўкмок бўлмасин.

Тўгриқ жавоб

Отаси ўлуб, бир киши ўлди бой,
Ки колди анга молу мулк, сарой.
Онинг олдига бир факир келиб,
Салом айлади кўп тавозе килиб,

Деди: «Ман санга тугма кардошман,
Бу молу манолингга йўлдошман.
Отангдан чу колди санга бунча мол,
Бўлиб бер менга ярмини ушбу хол».
Ул одам деди хайрат ила анго:
«Нечук сан кариндош ўлурсан манго?»
Факир аиди: «Эй меҳрибоним, эшит;
Кулок сол, бу арзи нихоним эшит,
Сану ман хама олам инсонлари,
Эмасмизми бир одам ўглонлари?»
Бу сўзни эшитгач, табассум килиб,
Бир олтун чикарди, деди: «Ол келиб»
Ул аиди: «Биродар, бу кандай сухан,

Манга шулмидир хисса меросдан?»
Жавобида ул марди ширин калом,
Деди: «Сокит ўл, билмасун хосу ом.
Эшитса гар ўзга кариндошлар,
Узогу якин, ёру йўлдошлар,
Бўлиб олсалар, молу мулк тамом,
Санго тегмагай бир тийин, вассалом».

Панд

Яхши муомалани дўст ва душманга баробар килмок лозимдур. Чунки яхши сўз дўстларнинг дўстликларини орттуур. Душманларингни дўстликка айлантиур.

Назм

Бўлур хулку хуш хам сучук тил била,
Етаклаб улуг филни кил била.
Чикар яхши сўз-ла илон инидан,
Ёмон сўз ила мусулмон динидан.

Жўгрофия

Ернинг ахволини билдирадургон илмни жўгрофия дейилур. Ер бизнинг кўзимизга текисга ўхшаб кўринса хам, аслида текис эмас. Балки пўртахолга ўхшаш юмалокдир. Аввалларда «Ер хўқизнинг шохида турадир», деган сўзларга хар ким ишонгон бўлса хам, хозирги замонда андог сўзларнинг аслсизлиги хар кимга маълумдир. Ер хеч нарсанинг устида турмас. Балки хавонинг ўртаси муаллак турадур.

Пўртахолнинг юзи ўзининг пўсти ила коплонгонига ўхшаш ер юзининг хам тўртдан уч бўлаги шўр сувлар ила копланмиш, колгон бир бўлаги тош, кум ва туфроглар ила копланмишдур.

Сув ила коплонгон ўринларини денгиз, кўл ва дарё дейилур. Тош, кум ва туфроглар ила копланмиш ўринларини куруглик дейилур.

Денгизлар беш бўлак бўлиб, Бахри мухити кабир, Бахри мухити хинд, Бахри мухити атлас, Бахри мухити мунжамиди шимолий, Бахри мухити жанубий деб аталурлар. Ушбу денгизлар куругликнинг атрофини ўраб олмиш улуг денгизлардур. Булардан бошка куругликнинг орасига ёриб кирмиш нихоятда кўп кўл ва денгизлар бордур.

Машхурроклари: Ок денгиз, Кора денгиз, Шимол денгизи, Каспий денгиз, Манош денгизи, Бахранг денгизи, Болтик денгизи, Аталар денгизи, Мармара денгизи, Азов денгизи, Бахри ахмар, Япония денгизи ва Чин денгизлари дур. Куруглик хам беш китъага бўлиниб, Европа, Осиё, Амрико, Африко, Австралия деб аталур.

Хажжож ила дарвеш

Ўтган замонда Хажжож исмли бир золим подшох бор эди. Кўп уламо ва сайдларнинг бошларини кесмиш ва конларини тўкмиш эди. Анинг жабр ва зулми шул даражага етмишдур, тарих китобларининг хар бирида аниг исмини Хажжожи золим деб ёд килмишлар.

Мана ушбу Хажжож бир кун йўлда бир дарвешга йўлиқди. Олдига чакириб: «Эй дарвеш, маним хакимга бир яхши дуо кил!» — деди. Дарвеш кўлинни дуога кўтариб: «Ё Раб! Бу золимни жонини тезрок олгайсан», — деб дуо килди. Хажжож аччигланиб: «На учун бундай ёмон дуо килурсан?» — деди. Дарвеш: «Агар сан тезрок ўлсанг, гунохинг кўпаймас. Ва барча фукаро сенинг зулмингдан кутулур. Шунинг учун маним бу дуом хам санга ва хам барча кишиларга фойдалидур», — деди. Дарвешнинг тўгри жавоби Хажжожга хуш келуб, кўп инъомлар берди. Хам ул кундан бошлаб зулмдан кўл йигди.

АХЛОК ДАРСЛАРИ

Тарбияли бола

Тарбияли бола улугларни иззат ва хурмат килур. Ўзи баробарига яхши муомала килур. Ва ўзидан кичикларга шафкат ва мархамат килур. Хар кимнинг кадрини билур. Ўзидан рози килмокга харакат килур. Кўлидан келганича бошка инсонларга ёрдам берур. Инсонликга ярашган ишлардан ўзини тортмас. Ярашмаган ишларнинг (канча фойдалик бўлса хам), якинига бормас. Ўзи билмайдурган сўзларга ва кўлидан келмайдургон ишларга асло аралашмас. Хар ишда тўгриликдан айрилмас. Доимо яхшини яхши, ёмонни ёмон дер. Хар сўзни вактига ва жойига караб сўзлар. Хар ишда бир фойдани кўзлар. Ўзларига ёки бошка инсонларга фойдаси тегмайдургон ишларга кадам кўймас. Хеч кимнинг ишига, кучига зарар еткурмас. Тарбиясиз, ёмон болаларга кўшилмас. Ота ва онасининг, муаллим ва халфаларнинг сўзларидан чикмас. Хар ишда инсофни кўлдан бермас. Бирордан бир яхшилик кўрса, эсидан чикармас. Кўлидан келмаган ишни устига олмас. Устига олган хизматини килмай колдирмас. «Миллат» деган сўзни жонидан ортик суяр.

Шафкат ва мархамат

Одам болаларига лозим бўлган яхши ишларнинг бири мухтоҷларга шафкат ва мархамат килмоқдур. Шафкат ва мархамат эса бирор нарсани сўрагон вактида бор бўлса, аямасдан бермак, агарда йўқ бўлса, ширин сўз или узр этмок ва кўлдан келганича бошкаларга ёрдамда бўлмоқдур. Жаноби Хак таоло хамма маҳлукларни бир-бирига мухтоҷ ва бир-бирига сабаб килуб яратмишдур. Подшо гадога, гадо подшохга, бой факирга, коғир мўминга, мўмин коғирга хосил, хамма бир-бирига мухтоҷдир.

Бу мухтоҷлик ёлгиз инсонлар орасида бўлмай, инсонлар или дунёдаги жонлик ва жонсизларнинг барчасини орасида хамма вакт кўрилмакдадур. Инсонлар минмок, юкларини ортмок, ерларига экин сочмок, сут ва гўштларини емок ва ичмок учун от, тuya, эшак, кўй, сигир, хўкиз, балик, товук каби хар хил хайвонларга мухтоҷ бўлурлар.

Хайвонлар эса ризкларини ўткармок ва болаларини тарбия килмокучун кўп вактларда инсонлар тарафидан экилган ўт, пичан ва галлаларга ва солинган иморатларга мухтоҷ бўлурлар. Шул сабабли шафкат ва мархамат тўгрисида инсонлик, хайвонлик, коғирлик, мўминлик, якинлик, узоглик, бойлик ва факирлик каби фаркларни эътибор килмай, барчани баробар кўрмок лозимдур.

Али или Вали

Али исмлик факир бир бола бор эди. Бир куни оч колди. Нон излаб кўчага чикди. Кўшнилардан бирининг Вали исмлик бир ўгли бор эди. Вали кўлига бир парча нон ушлаб, эшигининг олдида еб турган эди. Бечора Али эса очликдан ўлум даражасига еткан эди. Валининг кўлидаги нонни кўргани замон олдига бориб, бўйнин эгиб, «ўртокжон, озгина нонингдан берсанг-чи», деди. Вали эса тош кўнгиллик, шафкатсиз бола эди. Шу сабабли Алининг холига хеч бир раҳм килмай: «Бор кет, санга берадурган ноним йўқ», — деди. Орадан кўп вакт ўтмади. Бир кун Валининг бир эчкиси йўколди. Вали эчкисини ахтармокучун далага чикди. Кўп юрди, охирида ташна бўлди. Хар тарафдан сув излади, хеч бир ердан сув тополмади. Сувсизликдан йикилмок даражасига еткан холда узокдан кўзи Алига тушди. Али бир дарахтнинг соясида кўйларини ўтлатиб, олдига бир кўзада сув кўйиб ўтирмиш эди. Вали шодлик ила Алининг олдига бориб: «Биродар, сув бермасанг, ташналиқцан ўлурман», — деди. Али факир бўлса хам олийжаноб бир бола эди. Валининг холига шафкат ва марҳамат килуб, кўзани узатди. Вали тўйгунича сув ичиб, ташналик балосидан кутулди. Ва ўзининг улда килган марҳаматсизлигига Алидан афу сўраб, миннатдорлик изхор этди.

Исроф, бухл ва саховат

Исроф ўринсиз ва заруратсиз ерларга молни сарф этмақдир. Бухл энг зарурий ерлардан хам молни кизғанмок ва аямокдур. Саховат эса хар иккисининг ўртаси бўлиб, молни зарур ва фойдалик ўрунларга сарф килуб, зарурсиз, фойдасиз ўрунлардан сакламоқдур. Исроф ила бухл дин юзасидан харом ва акл юзасидан энг ёмон ва мардуд саналган ишлардандур. Саховат эса хўйларнинг энг яхшисидур. Исроф килгувчини мусриф дейилур. Бухл килгувчини баҳил ва хасис дейилур. Саховат килгувчини сахий ва жўмард дейилур. Мусриф киши хар канча давлатлик бўлса хам, охир бир кун факирлик ва хўрлик балосига йўлиқади. Бухл киши хар канча бой бўлса хам, молининг хузур-халовати, тириклигининг лаззати ва шавкатидан курук ва маҳрум колур. Сахий кишининг кундан-кун моли кўпайиб, иззат ва обрўйи ортар. Ўз баробарлари орасида сўзи ўткур ва эътиборлик бўлур.

Мактаб

Болалар тугулуб, олти-етти кунлик бўлганларида оналари бешикка солурлар. Кеча ва кундуз тинмасдан харакат килуб, кўкрак сутлари или тарбия килурлар. Качонки болалар олти-етти ёшга етсалар, мактабга берурлар. Мактабда муаллим ва халфалар кўкрак кучлари или тарбия килурлар. Бунга караганда, мактаб болаларнинг иккинчи бешикларидур.

Аввалги бешикда болаларга оналари сут эмизиб, танларини ўстурурлар. Иккинчи

бешикда муаллимлар илм ва одоб ўргатуб, акл ва фикрларини ўстуурлар. Болалар учун таннинг саломатлиги лозимдур. Аммо акл ва фикрнинг саломатлиги ундин ортигрок лозимдур. Чунки акл ва фикрсиз тандан на ўзи учун ва на бошка кишилар учун хеч бир фойда йўқдур. Шул сабабли болаларга аввалги бешикдан кўра, иккинчи бешик бўлган — мактаб яхширок ва фойдалирокдур. Аввалги бешикда сут ва таом беруб боккан ота ва она кандай дўст ва азиз бўлсалар, иккинчи бешикда илм ва одоб ўргатуб, тарбия килган муаллим ва халфалар ондин ортугрок дўст ва азиздурлар.

Байт:

Эрур мактаб маорифнинг макони,
Замонидур бунинг ёшлик замони.
Киши килгай кишини ушбу мактаб,
Битиргай хар ишини ушбу мактаб.
Бу мактабда ўкугон хар бир инсон,
Билуб илму одоб бўлгай мусулмон.
Неча илм ол, одоб дунёдаким бор,
Чикубдур барчаси мактабдан, эй ёр.

Искандар ила Арасту

Ўткан замонда Искандар Румий деган бир подшоҳ бор эди. Аниңг Арасту отлиг бир олим ва доно устоди бор эди. Искандар устодини ўз ёнига бош вазир килиб, барча мамлакат ишларини шунга топшурмиш эди. Бир иш килса, шунга маслаҳат ила килур эди. Эшикдан келса, ўрнидан туриб, жой берур эди. Ўзининг отасидан ортуқ иззат ва хурмат килурди. Бир куни вазирлардан бири Искандардан сўрадики: «На учун Арастуни отангиздан ортуқ иззат килурсиз?» Искандар айтди: «Отам гўёки мани осмондан ерга тушурди. Аммо, устодим Арасту мани ердан осмонга кўтарди, яъни отам мани дунёга келмогимга сабаб бўлди. Устодим илм ва одоб ўргатуб, мартаба ва иззатимнинг ортмогига сабаб бўлди. Шунинг учун устодимни отамдан ортуқ иззат килурман». Устодни отадан ортиқ иззат килмок керак.

Ўкумок, ёзмок

Ўкумок, ёзмок илми кийин бир иш эмасдур. Балки, оз вакт мактабда гайрат килмок ила ўрганиладурғон бир хунардур. Локин, бундан хосил бўладурған фойдалар нихоятда кўпдур. Тилсиз, кулоксиз бир одам или сог ва саломат бир одам орасида канча фарқ бор

бўлса, ўкумок, ёзмокни билмаган кишилар ила буни билган кишилар орасида шунча фарқ бордур. Балки, буларнинг ораларидағи фарқ аларнидан ортигроқдур. Чунки тилсиз киши хар хил ишоратлар ила тилли кишиларнинг киладургон ишларини кила олур. Кулоксиз киши хам бирорванинг сўзини шундай ишоратлар ила била олур. Аммо ўкумок, ёзмок илмини билган одамларнинг киладургон ишларини буни билмаган одамлар хеч бир йўл ила килолмаслар. Балки, ўкумок, ёзмок илмини биладургон бир кишига мухтоҷ бўлурлар. Бундан муаллим билурки, ўкумок, ёзмок илмини билмаган одамлардан тилсиз, кулоксиз кишилар яхшидур.

Ахмад ила онаси

Ахмад олти ёшлик бир бола эди. Хар вакт онасининг олдида ўтурса, онаси эски хикоялардан сўйлаб, Ахмадни овутиб ўтиради. Бир куни Ахмадга онаси айтди: «Ўглум, Аллохи таоло энг аввал отамиз Одам алайхиссаломни туфрогдан яратди. Сўнгра онамиз хазрати Хавони яратди. Икковларини жаннатга кўйди. Бир емишни кўрсатиб: «Буни емангиз», — деди. Бир куни шайтон буларни алдаб, ул емишдан едириди. Шунинг учун Аллоҳ таоло буларни койиб, жаннатдан чикарди. Икковлари ер юзига тушиб, эр ва хотун бўлдилар. Биз барчамиз шуларнинг болаларимиз».

Ахмад бу сўзни эшитгач: «Онажон, сиз хазрати Одам ила Хавони кўрганмисиз?» — деди.

Онаси: «Йўқ, ўглим, китоблардан ўкуб билдим», — деди.

Ахмад кўлига бир китоб олуб, хар канча вараклаб кўрса хам, кўзига кора чизиклардан бошка хеч нарса кўринмади.

Онаси Ахмаднинг бу холини кўриб: «Ўглим! Сан мактабда ўкумагунча китобдаги нарсаларни кўролмайсан», — деб Ахмадни мактабга берди. Ахмад бир оз мактабда ўкугандан сўнгра, онасидан эшитган хикояларини китоблардан ўкиб, ўзи биладургон бўлди.

Ота-она

Дунёда болаларга энг дўст ва меҳрибон кишилар ўзларининг ота ва оналаридурлар. Хар она ўз боласини аввал тўккиз ой корнида кўтариб юради. Сўнгра канча азоб ва меҳнатлар ила тугар. Бола тугулган замонда «инга» деб йигламоқдан бошка бир нарсани билмас. Она бечора шу болани гоҳ кўтаруб, гоҳ ётқизуб, гоҳ тургузуб, гоҳ ўткузуб тарбия килар. Иигласа, овутар. Оч колса, эмизиб тўйгузар. Алхосил, боланинг хурсандлиги ва саломатлиги нима ила бўлса, хар бирини килур. Керак бўлганда, молини ва жонини боласидан аямас. Ота эса кеча ва кундуз ишлаб топган нарсасини болаларининг ош, нон ва кийимларига сарф килур. Бунинг устига

«Ўзумдан сўнгра болаларимга колсун, болаларим кишига мухтоҷ бўлмасин», деб бир нарса орттириб кўймок харакатида бўлур. Ота-онанинг кеча ва қундуз Худодан тилаган нарсаси болаларининг саломатлиги ва узун умр кўрмоги, дунё ва охиратда баҳтли бўлмогидур. Болаларга бундай дўстлик ва яхшиликни ота-онадан бошка хеч ким килолмайдур. Шул сабабли болаларга ўз ота ва оналарини чин кўнгил ила дўст тутмок, буюрган ишлариникилмок, кайтарган ишларидан кайтмок лозимдур.

Байт

Кишининг бор эрса ото ва оноси,
Ганиматдур анга аларнинг ризоси.
Худонинг кошида кабули якинтур,
Ото ва ононинг болага дуоси.
Оларнинг ким оғритса кўнгилларини,
Киёматда бўлгай жаханнам жазоси.

Бола курсони

Бир хотун ўзининг тўрт ёшлик кизини етаклаб бoggчага чикди. Ул вакт баҳор фасли эди. Богча ёнига кўкарган яшил ўланлар ва новда учиди очилишга якинлашган гул гунчалари илиа зийнатланмиш эди. Яшил ўланлар орасида ҳар тарафга чўзилиб кетган узун-узун йўллар бoggчанинг хуснини орттурмиш ва ўттадан ўтадургон улуг сув бoggчани иккига айирмиш эди.

Бу бoggчага кирганда ёш кизнинг кўнгли очилуб, ҳар тарафга югурмокга бошлади. Гоҳо ўланлар устига ётуб юмаланур эди. Гоҳо кўзига яхши кўринган гулларни узиб, кўксига такуб, онасига кўрсатарди. Онаси сув бўйида ўтириб, кизнинг ёқимли харакатларини томоша киларди. Лекин бу хурсандлик узокка бормади. Сув бўйида янгигина очилгон бир гулни кўриб, узаман, деганда кизнинг оёги тойиб сувга йикилди. Онаси бу холни кўриб. «Дод, болам! Сан ўлгунча ман ўлай!»— деб кизнинг оркасидан ўзини сувга отди. Бу товушни бoggон эшитиб, югуриб келди. Буларни бу холда кўриб, кийимларини ечиб, ўзини сувга ташлади. Бориб, аввал онасини куткармокчи бўлганди, онаси: «Мани кўй, аввал болами куткар», — деб бoggонга ялинди. Бoggон хам кабул килиб, аввал болани куткариб, сув четига чикарди. Бoggон кайтуб боргунча бечора она хийла ерга окуб бормиш, ўз жонини боласига курсони килмиш эди.

Биродарга муҳаббат

Иброхим ўз кариндош ва биродарларига мухаббатлик бир бола эди. Бир кун кўшнисининг уйига чикканда кўшниси бир хизмат буюрди. Иброхим аввал хизматни яхшилаб килганлиги учун кўшниси олма берди. Олмага кизикиб, емокчи бўлганида уйда касал бўлиб ётган синглиси эсига тушди. Олма ёлгиз ўзидан ўтмади. Синглисининг олдига кируб: «Укам, кўшнимиз берган бу олмани санга келтурдим! Е!» — деди. Синглиси суюнуб, олмани олди. Ярмини ўзи еб, ярмини яна акасига берди. Бу йўл ила бир олмани икковлари еб хурсанд бўлишдилар.

Хисса: Биродарлар бир-бирларига шундай мухаббатлик бўлмоги лозимдур.

Кўр ила дўхтири

Яхшигина бой бир кўр киши хар вакт бозорга чикиб, хар хил нарсалар олурди. Лекин кўзи кўрмаганилиги учун яхши-ёмонни айира олмас эди. Яхши деб ўйлаб олган нарсаларининг кўпи ёмон нарсалар эди. Бир куни кўзининг пардасини олдурмок учун бир дўхтири уйига чакирди.

Дўхтири келиб, кўзини пардасини олди. Бир неча кундан сўнгра кўзи очилуб, уйидаги нарсаларни кўрмокка бошлади. Бозордан олгон нарсаларининг хар бири кўзига ёмон кўринди. Боруб: «Сан маним уйимдаги нарсаларимни олуб, ўрнига ёмон нарсалар кўйибсан», — деб дўхтирининг этагидан тутди. Дўхтири: «Йўк, биродар! Аввал сан кўр эдинг. Бозордан олган нарсаларингни барчаси ёмон нарсалар эди. Сан они билмас эдинг. Эмди кўриб, аларнинг ёмонлигини билдинг», — деб жавоб берди.

Хисса: Нодон киши шул кўрга ўхшайдир. Яхши деб ўйлаган нарсаларининг кўпи ёмон нарсалар бўлур. Илм дўхтирга ўхшайдир. Ўкиган кишиларнинг кўзларини очар. Сўнгра ёмон ишларнинг ёмонлигини билиб, ондан ўзларини тортурлар.

ФАННИЙ ДАРСЛАР

Йил (сана)

Бир йил ўн икки ойдир. Бир ой 4 хафта или 2 ёки 3 кундир. Бир хафта 7 кун бўлур. Бир кун

24 соат. Бир соат — 60 дакика (минут). Бир дакика 60 сония (секунд)дур. Бир сония эса кўз юмиб очгунча ўтадурган бир замондир.

Йилнинг икки хил хисоби бордир. Бири офтобнинг кўринишидан хисобланур. Буни санаи шамсия (куёш йили) дейилур. Иккинчиси ойнинг кўринишидан хисобланур. Буни санаи камарий (ой йили) дейилур.

Куёш иили хисоби ила бир йил уч юз олтмиш беш кун ва олти соат бўлиб, 52 хафтадан бир кун ва олти соат ортиқдур. Ой иили хисоби ила бир йил уч юз эллик тўрт кун бўлиб, эллик хафтадан тўрт кун зиёдадур.

Ой иили ойлари

Ой иили хисоби ила ойларнинг арабча исмлари ушбулардур: мухаррам, сафар, робиул аввал, робиул охир, жумадул аввал, жумадул охир, ражаб, шаърон, рамазон, шаввол, зулкаъда, зулхижжа. Бу хисоб мусулмонларнинг диний ибодат ва байрамлари учун юрутилур.

Йил боши мухаррам ойининг биринчи куни дур. Бу кунда кўп мусулмон мамлакатларида йил боши байрам ясалур.

Мухаррамнинг ўнинчи куни хазрат имом Хусайн (розиаллоҳу анху)нинг Карбалода шахид бўлган кунларидур. Шунинг учун ислом вилоятларида бу кун ашуро мажлисларий ясалуб, хутба ва дуолар ўкилур.

Робиул аввалнинг ўн иккинчи куни кўп ерларда мусулмонлар мактаб ва дўконларини ёпуб, иш ва касбларини ташлаб, Мавлуд байрами килурлар. Мавлуди шариф ўкутурлар. Чунки бу кун Мавлуд куни, яъни Пайгамбаримиз (саллаллоҳу алайхи васаллам)нинг дунёга келган кунларидур.

Рамазони шарифда рўза тутулиб, хар кеча тарових намози ўкулур. Шавволнинг биринчи куни ийди рамазон намози ўкулур. Уч кун байрам ясалур. Зулхижжанинг тўкизинчи куни хар (иили) Маккаи мукаррамада хожилар Арофат тогига чиурлар. Зулхижжанинг ўнинчи куни Ийди курбон намози ўкилур. Уч кунгача курбонлик сўйилур. Тўрт кун байрам килинур.

Куёш иили ойлари

Куёш иили ойларининг русча, арабча, румча (туркча) номлари:

Арабча Русча Румча Кун
Хамал Март Март 31
Савр Апрель Найсон 30
Жавзо Май Майис 31
Саратон Июнь Хазирон 30
Асад Июль Тамуз 31
Сунбула Август Агустус 31

Мезон Сентябрь Ийлул 30
Акраб Октябрь Ташрини аввал 31
Кавс Ноябрь Ташрини соний 30
Жадий Декабрь Конуни аввал 31
Далв Январь Конуни соний 31
Хут Февраль Шабот 28

Хут ойи хар тўрт йилда бир марта бир маҳалла 29 кун, уч марта 28 кун бўлиб, 29 кун бўлган йилни санаи кабис ёки зурил деб аталур. Йил боши арабчада хамалдан бошланур. Русчада январдан бошланур. Румчада конуни сонийдан бошланур.

Асрлар

Хар юз йилни бир аср дейилур. Пайгамбаримиз (саллаллоҳу алайхи вассаллах)нинг Маккадан Мадинага хижрат килган (қўчкан) кунларидан бошлаб саналган асрни асри хижрий дейилур.

Хазрати Ийсо алайхиссаломнинг тугилгон кунларидан саналган асрни асри мелодий дейилур.

Хозирги асrimiz, асрихижрийнинг 12-нчиси, асри мелодийнинг 20-нчисидур. Ўтган асрларга караганда, бу аср, илм ва хунарнинг энг тараккий килгон ва кўпайгон асридур. Ўткан асрларда минг кишининг кучи илинг ойда ишланадурган ишларни бу асрда мошиналар кучи илинг кунда ишлайлар. Ўткан асрларда от ва ароба илинг ойда босиладурган йўллар, бу асрда ўт ароба ва пароходлар илинг кунда босилур. Гўёки бу асrimiz илм ва хунар асридур. Эмди бу асрга лойик кишилардан бўлмок учун илм ва хунар лозимдур.

Илм ва хунар иши ўкумок ва ўрганмок учун ёшликтан гайрат килгон кишигагина хосил бўлур.

Фасллар

Бир йилда тўрт фасл бордур. Бири — ёз, иккинчиси — куз, учинчиси — киш, тўртинчиси — баҳордир. Хар фасл уч ой бўлур. Ёз ойлари: саратон, асад, сунбуладур. Куз ойлари: мезон, акраб, кавсдур. Киш ойлари: жадий, далв, хутдур. Баҳор ойлари: хамал, савр, жавзодур. Ёз фаслида хаволар исир, экин ва мевалар пишар, мактаб ва мадрасаларда ўкушлар тўхтадур. Куз фаслида мактаб ва мадрасалар очилур. Укушлар бошланур. Экинлар ўрилур. Даражатларнинг япроклари тўкилур. Ёмгувлар ёгар. Сувлар музлар.

Бахор фаслида дарахтлар япрок чикарур. Гуллар очилур. Булбуллар сайрап. Ўтлар кўкарур, экинлар экилур, жонлик ва жонсиз махлукларнинг хар бирида сирли бир кўриниш ва суюнчли бир харакат пайдо бўлур, хар тарафдан кишининг кулогига хуш овозлар келур, димогига хуш ислар кирмокка бошлар. Шунинг учун фаслларнинг яхшиси баҳор саналур.

Кунлар

Кунларнинг форсча, туркча исмлари ушбулардур

Форсча Жума Шанба Якшанба Душанба Сехшанба Чахор-шанба Панж-шанба

Туркча Жума Жума эртаси Позар Позар эртаси Соли Чахор-шанба Панж-шанба

Жума хафтанинг боши, кунларнинг саййиди ва мусулмонларнинг хафталиқ улуг байрамларидур. Бу кун мусулмонларнинг жумаларга йигилиб, жума намози ўқийдургон кунлари, ёру дўстлари, хеш ва акробалири или кўрушуб, ахвол сўрашадургон кунлари, мажлис ва жамият (гап)лар ясад, диний, васлий сухбат ва маслаҳатлар килишадургон кунларидур. Шунинг учун жума кунлари ишчиларга ишларини кўймок, косибларга касбларини тарк этмок, шогирдларга ўкушларини тўхтатмок, савдогар ва амалдорларга дўкон ва маҳкамаларини ёпмок диёнат юзасидан лозим ишлардур. Шанба иудейларнинг, якшанба християнларнинг хафталиқ байрамларидур. Буларнинг хам хар кайлари ўз байрам кунларини таъзим килуб, юкорида этилгон ишларнинг хар бирини килурлар.

АХЛОК ДАРСЛАРИ

Ёлғончилик

Хар ким бўлгон ишни бўлмади деса, бўлмагон ишни бўлди деса, ул киши ёлғончи дейилур. Ёлғончилик гунохларнинг улуги, хадияларнинг бузугидур. Ёлғончиларнинг пайдо бўладигон зиёнлари нихоятда кўпдур. Ёлғончини Хак таоло дўст тутмас. Xалк орасида сўзининг эътибори колмас. Хеч кимтнинг сўзига ишонмас. Хамманинг кўзига ёмон кўринур. Чунки, ёлғон сўзнинг, албатта, асли чикмай колмас. Бу кун ё эрта ёлғонлиги билинуб, сўзлагувчининг уялмогига, шарманда бўлмогига сабаб бўлур. Ул сўзни чинликка чикармак учун яна неча ёлғонларни сўзламок лозим келур. Бу ёлғонлар хам бир кун маълум бўлур. Охирида ул сўзлагувчининг исмини одамлар ёлғончи дерлар.

Рост сўзласа хам, ёлгонга хисоб килурлар.

Ёлгончи бола

Бир мактабда Хабиб исмлик бир ёлгончи бола бор эди. Хабиб доимо ёлгон сўзлар ва хар кимни алдар эди. Муаллим афанди Хабибга: «Ёлгон сўзлама», деб кўн насихатлар килди. Жазолар берди, асло бўлмади, чунки Хабиб ёшлиқдан ёлгонга одат килгон эди. Ёшлиқдан одат бўлган ишни ташламок кийин бўлур. Бир вакт Хабиб неча кунгача мактабга келмади. Хар кун эрталаб: «Мактабга бораман», деб уйидан чикар эди. У ерда-бу ерда ўйнаб, яна уйига: «Мак- табдан келдим», деб борур эди. Ота-онасини: «Бу кун буни ўқидук, буни ёздук», деб ёлгон сўзлар ила алдар эди.

Бир кун Хабиб мактабга келди. Муаллим афанди тафтиш килгонда, Хабибнинг бир хафта бутун узрсиз мактабдан колгонлиги маълум бўлди. Шул сабабли Хабиб мактабдан кувланди.

Бул хабарни ота-онаси эшитиб, алар хам бу ёлгончи Хабибни уйдан кувладилар. Хабиб бечора ёлгончилик сабабидан хам мактабдан ва хам уйдан кувланди.

Ёлгончилик зарари

Бир чўпон сахрода кўйларини ўтлатуб юурур эди. Кўзига якин ердан бир кишлок кўринди. Чўпон кишлокиларни алдамок учун ёлгондан: «Бўри келди, бўри келди!» — деб кичкурди. Буни

эшитиб, кишлокилар кўлларига калтак, тўкмок кўтариб югуришдилар. Келиб карасаларки, бўридан хеч бир асар йўк. Кўйлар баҳузур ўтлаб юрибдилар. Чўпон эса илжайуб, кулиб турибдур. Кишлокликлар чўпоннинг ёлгондан кичкиргонини билиб, хафа бўлиб, ўз жойларига кайтиб кетишдилар.

Иттифоко эртасига бирдан икки бўри келиб, кўйларга югурдилар, чўпон кўркиб, бир дараҳт устига чикди. Бор овози ила: «Дод, бўри келди», деб кичкира бошлади. Лекин кишлокилар: «Бу кун хам ёлгондан кичкируб, бизни алдар», деб ёрдамга келмадилар. Бўрилар бир неча кўйларни бўгиб ўлдирдилар. Чўпон бечора ўз жонини зўрга кутка-риб колди. «Ёлгончи» деб аталгон кишининг чин сўзига хам хеч ким ишонмас.

Тўгрилик

Тўгри сўзлик болаларни хар ким яхши кўрар. Кундан-кунга даражаси ва обрўси ортар. Хар ким олдида сўзи макбул ва ўзи эътиборлик бўлур. Улуг-улуг хизмат ва ўринларга лойик кўрурлар. Бора-бора кўлига зўр-зўр ишлар топширилур. Ёлгончи болалар эса бу неъмат ва бу давлатларнинг барчасидан курук колурлар. Тўгри болалардан жаноб Ҳак таоло хам рози бўлур. Шул сабабли хар бир сўзда тўгрилик или харакат килмок лозимдур. Сўзда тўгрилик эса ёлгон сўз сўзламасликдур.

Ориф или Содик

Бир кун Ориф или Содик иккиси ўйнашуб, мактабнинг деворига осилгон соатни синдиридилар. Муаллим афанди Орифни чакириб: «Соатни ким синдириди?» — деб сўради. Ориф тўгри сўзлик бир бола эди. Шунинг учун «Содик или иккимиз ўйнашуб синдиридик, гунохимизни кечирсангиз эди, афандим!» — деб тўгри жавоб берди.

Муаллим афанди Содикни чакириб: «Соатни нима учун синдиридингиз?» — деб сўраганида, Содик: «Таксир! Ман йўқ эдим. Орифингиз синдиригандир», — деб тонди. Сўнгра бошка болаларнинг гувохликлари или муаллим билдики, Орифнинг сўзи чин экан, соат синдириганларнинг бири Содик экан. Муаллим Орифга караб: «Ўглим Ориф, тўгри сўзлаганинг учун санинг гунохингни кечирдим, бундан кейин эҳтиёт бўл!» — деди. Сўнгра Содикга бокуб:

«Ёлгончи Содик! Сан хам тўгри жавоб берсанг эди, гунохингни кечурар эдим. Энди ёлгон сўзлаганинг учун бир кун мактабда таомсиз колурсан. Хам соатнинг ярим баҳосини тўлайсан»,

— деди.

Ориф тўгри сўзлади, кутулди. Содик ёлгон сўзлади, тутилди.

Хайвонлар

Ерда юрадирган, осмонда учадурган, сувда яшайдурган катта ва кичик жонли нарсаларнинг хаммасини хайвонлар дейилур.

Хайвонлар дафъатан икки кисмга бўлинурлар. Бир кисмини суякли хайвон, иккинчи кисмини суяксиз хайвон дейилур.

Суякли хайвонлар хам аввалдан беш синфга бўлинурлар.

Биринчиси: ерда юрадирган ва болаларини тугуб, кўкрак сутлари или бокадурган иссиг конли хайвонлардур. Буларнинг кўплари тўрт оёгли бўлурлар. Ораларида от, хўкиз, тuya, ит, мушук, кўй ва эчкиларга ўшаган уйларда, сахроларда бокилиб, кишидан кочмайдургандалири бордур. Буларни: ахли уй хайвони дейилур. Йўлбарс, айик, бўри,

тулки, буги ва кийикларга ўхшаган, кишидан кочадурганлари, тогларда, чўлларда ўз холича яшайдурганлари бордур. Буларни ёбони (ёввойи), кир хайвонлари дейилур.

Кушлар

Суяклик хайвонларнинг иккинчи кисми болаларини тухумдан чикарадургон икки оёгли ва икки канотли хайвонлардурки, буларнинг барчаларини күш дейилур. Кушлар хам ерда юрадилар ва хам хавода учарлар. Кўкракли хайвонларга ўхшаган булар хам иссиг конлик бўлиб, ахли ва ёввойи исмлари или икки кисмга бўлинурлар. Товук, гоз ва ўрдакларга ўхшаган кишига ўргангонларини ахли, уй куши дейилур. Лайлак, карга, корчигай, чумчук ва булбулларга ўхшаган, кишидан кочадурганларини ёбоний, кир куши дейилур.

Ўй кушлари узун муддат кишини кўрмасдан турсалар, кир куши бўлиб колурлар. Кир кушлари хам оз вакт кишининг кўлидан таом еб турсалар, ўргануб, уй кушлари каторига киурурлар. Кушларнинг ораларида кўршапалакга ўхшаган боласини туғиб кўкрак сути или бокадурганлари хам, кундузлари учолмай, кечалари учадургонлари ва хам ўрдак ва гозларга ўхшаган сувларда кўп юрадурганлари бордур. Суяклик хайвонларнинг учинчи кисми — зувахиф ва балик, совук конли хайвонлар каби, буларнинг бир кисмлари кўлсиз, оёксиз бўлиб, ерда суриниб юрурлар. Бундай хайвонларни зувахиф дейилур. Илон бу кисмдандур.

Илонларнинг сувда юрадургонлари, күш ва курбакаларни еб тириклик киладургонлари ва болаларини тухумдан очадургонлари хам бордур. Тўртинчи синфи, яъни совук конли ва сувда яшайдургон кўлсиз, оёксиз хайвонлардур. Бу синф хайвонларни балик дейилур.

Баликсув ичида нафас олур. Сувдан чикса, нафас ололмасдан, оз вактда халок бўлур. Кўп вактларда улугроги кичикрокларини еб (ютиб), тириклик килурлар. Балик бола очмокчи бўлганда, сув ичида тухум кўюр. Тухуми тарикга ўхшаган майда, хам нихоятда кўп бўлур. Бир баликнинг тухумидан мингларча баликлар пайдо бўлур. Шунинг учун балик кўп баракатли хайвондур. Балик кишилар орасида энг кўп ейиладургон хайвондур.

Баликлар хам кушларга ўхшаган хар хил исмда ва хар хил сувратда бўлурлар.

Курбака

Бешинчи синф яна сувда яшайдургон совук конли хайвонлардур. Лекин бу туғилгон замонда кўлсиз, оёксиз бўлса хам, каттарок бўлгон сари сувратини алиштириб, охирида кўл ва оёгли ёки тўрт оёгли бир сувратга киур. Курбака синфидаандур.

Курбака хам сувда ва хам куругда, нафас олмокга кодир бир хайвондур. Боласи

аввалан кора туслик, юмалок бошлик ва думлик бир курт сифатида бўлиб, сув ичида тухумдан тугулур. Биз они итбалик деб атаймиз.

Биринчи кундан сўнгра ранги бир оз окариб, аввал икки кўл, сўнгра икки оёг чикариб, тўрт оёгли хам куйрукли бир хайвон сувратига киур. Бора-бора куйруги кискариб-кискариб, йўқ бўлуб, хозирги курбака сувратига киур.

Суяксиз хайвонлар

Юкорида ёзилгон беш синф хайвонларнинг хаммаси суякли хайвонлар эди. Энди алардан бошка бир кисм хайвонлар бордурки, буларни суяксиз хайвон дейилур. Суяксиз хайвонлар хам суякли хайвонларга ўхшаб неча синфга бўлинурлар. Лекин хар бир синф хам юмшок танли бўлиб, хамма аъзоси тери или эт ва сувдан иборат бўлур. Баданидан заррача суяк топилмас. Шунинг учун бу кисм хайвонни суяксиз дейилур. Ниначи, бузокбоши, пашша, ари, кумурска ва бошка хар хил куртлар бу кисмданурлар.

Хайвонларнинг фаросат ва майшатлари

Жаноби Хак хайвонларга ўзларини душмандан сакламок, ризкларини топиб емок ва болаларини бокмок учун бир фаросат (хис) бермишдур. Баъзилари кочиб, баъзилари копиб, баъзилари чакиб, баъзилари тепиб, баъзилари захар сочиб, ўзларини душмандан кўрурлар. Баъзилари ўзларига ўхшаш хайвонларни тутуб еб, баъзилари ердан чиккан ўтларни, дараҳтларнинг илдизларини, лой ва қумларни, дон ва меваларни топиб еб, ризкларини ўткаурлар. Бола очмок, ётуб ухламок учун баъзилари ер остида, баъзилари дараҳт устида, баъзилари тогларда, баъзилари бодларда, баъзилари куругда, баъзилари сувда ўзларига маҳсус уй (макон) ясад олурлар. Кўкракликлари эмизуб, кўкраксизлари керакли таомларни хар кайдан бўлса хам топиб келтируб, болаларини тарбия килурлар. Хайвонлар орасида чумолига ўхшаш кишликларини ёзда йигиб оладургонлари бордур.

Бойкуш, укки, кўршапалакларга ўхшаш кундузлари ухлаб, кечалари ризк излайдургонлари бор. Айик, илон, курбака ва пашшаларга ўхшаш бутун киш таом емасдан, котиб ухлаб, аввал баҳордан уйгониб чикадургонлари бор. Хайвонларни хар бири нутк (сўзлашмок), акл, илм каби улуг неъматлардан маҳрумдурлар. Шундай бўлса хам, таълим ва тарбия или баъзи хайвонларга баъзи харакатларни ўргатмок, тўти, майна каби кушларга баъзи сўзларни ўргатмок мумкиндур.

Инсоннинг бошка хайвонлардан фарки

Одам болаларини инсон дейилур. Инсон хам хайвон жинсидандур. Чунки хайвонда бўлгон емок, ичмок ва ухламоишлари инсонда хам бордир. Инсонда бор оёк, кўл, кўз, кулок ва оғиз каби аъзолар хайвонда хам бордир. Бундай ишларда инсон ила хайвон орасида фарқ оздур. Инсоннинг бошка хайвонлардан фарки факат ўқимок, ёзмок, сўз сўйламок, ҳар ишга акл ва фикр юритмок иладур. Булар эса жаноби Хакнинг ёлгиз инсонга берган улуг неъматлариидур. Бошка хайвонлар бу неъматлардан маҳрумдурлар. Вокеан, бошка хайвонларда хам фаросат бор. Ит эгасини танийдур, кўп вакт қўрмаса хам, эсидан чикармас. Кўрган замон суюниб, куйругини ликиллатиб, эгасини оёгини ўпар. Лекин бу фаросатини сўз ила баён киломас. Бундан маълум, буларга инсон бўлмок учун ўкумок, ёзмок илмини билмоклозимдур. Ўқигон кишилар хам ишини акл ва фикр ила ўиласаб килурлар, дуруст сўз сўйламокни хам ўрганурлар. Дунёга келиб, ўқимок, ёзмокни ўрганмасдан, ёлгиз емок, ичмок ва умр ўткарган кишиларнинг бошка хайвонлардан фарклари йўқдир.

Хайвонларнинг инсонга фойдалари

Хайвонларнинг хар кайсиларини инсонга хар хил фойдалари бордур.

Гўёки жаноби Хак хайвонларни инсонлар учун яратмишдур. Инсон хайвонларнинг хар биридан хар сувратда фойдаланур. Кўй, сигир ва эчкиларни сўйиб, гўштларини ер, териларидан кафш, маҳси ва бошка хар хил кийим ва асблолар ясар. Тирик вактларида сутларини согиб ичар. От, эшак, туя ва хачирларга минар. Юклар ортар. Хўкизни кўшка кўшар. Баликларни тутуб ошар. Ит ва кушлар ила ов килур.

Алхосил, хайвонларнинг хар бирлари инсонларга хар сувратда фойда еткарурлар. Баъзилари кон ва жонлари ила ва баъзилари куч ва кувватлари ила хизмат килурлар. Хайвонларнинг бу хизматларига муқобил инсон тарафидан хам хайвонларга шафкат, раҳм ва меҳрибонлик лозимдур.

Шул сабабли хайвонларни сабабсиз ўлдирмок, урмок, кийнамок, оч ва ташна колдурмок, оғир юкларни ортмок ва кўп ориглатиб кўймок каттиг зулм ва улуг гунохлардан саналур.

Бахилнинг боги кўкармас

Ўтмиш замонларда бир бахил бор эди. Анинг бойлиги шул даражага етишгон эди, молининг хисобини ўзи хам билмас эди.

Лекин бу бойлиқдан на ўзига ва на ахли аёлига ва на бошкаларга хеч бир фойда йўқ эди. Чунки, анинг эътиқодича, бойлиқдан максад ёлгуз кеча-кундуз харакат килиб, мол йигмок эди. Аммо мол йигмоқдан асл максад нима? Молни кандай ерларга сарф килмок

керак? Емок, ичмок, мактабу мадрасаларга, факиру муҳтоҷларга ёрдам бермок керакми? Йўқми? Бу хусусларида хеч бир ўйламас эди. Хаттоки, ўзининг ахли авлодининг таом ва кийимларига ўхшаш энг зарур ўринларга хам минг машаккат илиа акча чикарур эди.

Бозордан нон олса, (арzonлиги учун) куйган ва котканларини, мева олса, чуригон ва сасигонларини олур эди. Кийимлари эса хар вакт эски, йиртиқ ва кирлик бўлур эди. Бисотида Ахмад исмли биргина ўғли бор эди. Баъзи бир эшонларнинг далолатлари илиа бир кун ўглини мактабга олиб борди. Муаллим афанди мактаб низомларини баён этканда, муаллимлар вазифаси учун хар ойда бир сўм тўлаб турмак лозим эканини хам сўзлаб ўтди. Бир сўмни эшиткач, бой жанобларининг кўзлари ўйнади.

Муаллимнинг юзига бокуб: «Ойда бир сўм?.. Йўқ, афандим, ўгул ўкутмак мани ишим эмас экан, аввалги домлалар хафтада бир нонга каноат килурдилар. Ойда бир сўм кайдан чикади? Юр, ўглим, ўкумасанг хам бир ризкинг ўтар. Ман мунча дунёни ўқиб топмадим», — деб ўглини кайтуб олиб кетди. Ахмад бечора отасининг баҳил ва хасислиги соясида дунёда яшамок, инсон каторига кирмок учун энг зиёда лозим бўлғон илм ва маърифатдан маҳрум бўлиб, жоҳил ва нодонлик илиа ўсди. Кўп ўтмади, ажал келиб, бойнинг ёкосидан тутди. Аввалда анинг рухини тарбия килмок, яъни ўқитмок учун ойда бир сўмни кўзи киймагон баҳил эмди хамма дунёсини шул Ахмадга ташлаб, ўзи бир оз дока илиа бўзга ўралуб, охиратга сафар килди. Ахмад эса ёшлиқда илм ва тарбия кўрмагон, касб-хунар ўрганмагон эди. Шунинг учун яхши ва ёмонни айирмайдигон ва молнинг кадрини билмайдургон мусриф бир киши бўлиб чикди. Тўрт-беш нафар ёмон кишиларга кўшилуб, хар хил кабоҳат йўлларига юрмокга ва бир тийинлик ўрунга йигирма тийинлаб сарф килмокга бошлади. Отасининг шунча хасислик илиа жаъм килгон молини оз вакт ичида тамом килуб, ўзи факир ва муҳтоҷ бир холга тушди. Баҳилнинг моли, мусрифнинг холи шундай бўлур.

Молнинг кадрини сахий билур

Бир вакт Андижон шаҳрида каттиг зилзила бўлуб, хамма иморатлар йикилди. Кўп кишилар том ва деворларнинг ос-тида колуб, халок ва мажрух бўлдилар. Кўп факиру бечоралар уйсиз, жойсиз, оч ва ялангоч колдилар. Буларнинг фойдаларига хар тарафдан ионалар йигилди. Хар шахардан ул бечораларга акча, таом ва кийимлар юборилди. Хар ерда неча-неча кишилар иона йигиб юбормокга мутасадди бўлмиш эдилар.

Шул мутасаддиларнинг баъзилари Тошканда иона сўрамок учун бир бойнинг уйига бордилар. Бойни жаҳл ва газаблик бир холда кўрдилар. Сўнгра газабининг сабабинй билдиларки, хизматкори учи ёкилмаган бир гугуртни ерга ташлагани учун ондин койиб турган экан. Мутасаддилар бу холни кўриб, бир-бирларига бокуб: «Бир гугурт учун мунча газабланган, иона сўраб нима килурмиз?» — дедилар. Лекиняна шунча ерга келиб, хеч нарса демасдан кетмокни муносиб кўрмай, нима учун келганларини бойга билдирулар. Бой эса тезлик илиа ичкари кириб, беш юз сўм акча чикаруб, мутасаддиларнинг кўлларига берди. Мутасаддилар хайрон бўлишдилар.

Бой жаноблари буларга бокуб: «Нимага хайрон бўлурсиз? Агарда ман бир гугуртнинг бекор кетмогига рози бўладурган даражада мусриф бўлсайдим, хозирда бундай хайр ишларга бериладургон акчаларни кандай жамъ килурдим? Сахий бўлурман, деган киши молнинг кадрини билур. Ерига караб, пулига савдогарлик килур. Ерига караб, мингларча сўмнинг юзига бокмас», деди.

Ўрунли саховат

Бир бой ўглини тўй килмокчи бўлди. Бир неча ёру дўстларини чакируб, маслахат сўради. Дўстлари уч-тўрт кун шахар халкига ош бермокни, созанда ва хофизлар келтуриб, базм ва зиёфат килмокни маслахат кўрдилар.

Бой эса мол кадрини билгувчи эсли ва инсофли бир зот эди. Шул сабабли аларнинг берган маслахатларини ва кўрсатган йўлларини мувофик топмади ва аларга бокуб, ушбу сўзларни сўзлади: «Азиз биродарларим, тўй деган бир саховатдур. Саховат эса факир, мухтоҷ, оч ва ялангочларнинг хакларидур. Ош берганда шуларга бермок лозимдур. Холбуки, орамиздаги урф- одатларга караганда, ман ошни сиз хурматлиларга ўхшаш, янги тўнли зотларга берсам керак. Агар урфу одатдан чикиб, факир ва мухтоҷларни чакирсан, эҳтимолки, хар ердан ошга чакирилуб ўрганган баъзи янги тўнлиларимизни кўнгиллари колур. Ва агар факирларни кўйиб, бойларни чакирсан, ўзимга ва хам аларга зиён еткурган бўламан. Чунки ўзимнинг канча молим ўрунсиз сарф бўлур. Алар эса ошга борурмиз, деб ўз ишларидан колурлар. Хусусан, муаллим ва мударрисларни чакириб, мактаб ва мадрасалар ишига канча шогирдларни мунтазир ва саргардонликларига сабаб бўлмокни зўр гунох деб ўилайман, шул сабабли халкга ош бермок учун сарф киладурган акчаларимни мактаб ва мадрасаларга, факир ва мухтоҷларга улашуб, ўглимни суннатга мувофик хатна килдирсан дейман, шояд сиз хурматлилар хам мани айбга буюрмай, бу фикримга кўшилиб, ёрдам берсангиз».

ФАННИЙ ДАРСЛАР

Хаво

Дунё юзи «хаво» исмлик бир жисм илиа тўла бўладур. Сув илиа тўлғон бир ховуз ичida сув кирмаган хеч бир ўрун колмайдур. Шунга ўхшаш дунё юзида хам хаво кирмаган бўш ўрун йўқдур. Хаво ўзи рангиз, тиник, юмшок бир жисм бўлғонлиги учун бизим кўзимизга кўринмайдур.

Бир елпигич илиа киши ўзини елписа, юзига совук бир нарса келиб тегадур. Мана шу

юзга теккан нарса елпигичнинг харакати ила кимиirlаган ва тўлкинланган хаводур. Бир олманинг думидан ип бойлаб, бошдан тез айлантурулса, «гув-гув» деган бир товуш чикадур. Мана бу товуш олмадан чиккани йўк. Балки шул олма ила хавонинг бир-бирига тегмок ва сўйкалмогидан пайдо бўлган товушдир.

Ер юзидаги инсонлар, хайвонлар ва дарахтларнинг хар бирлари шул хаво ила тириқдурлар.

Сувсиз ерда баликтириклик килмайдур. Шунга ўхшаш хавосиз ерда биз хам ти-риклик килолмасмиз. Чунки нафас олмок учун баликга сув, бизга хаво лозимдур. Хавосиз нафасни ичига олмок мумкин эмасдур. Нафас олгонимизда ичимизга хаво кирап. Фойдалилари ўпка орасидан боруб, конга кўшилур. Фойдасизлари нафасни кўйгонимизда ташкари чикиб кетадур. Бундан маълум бўладики, биз доимо хаво ютиб турамиз. Агарда бир-икки минут хавосиз колсак, нафас олмасдан бўгилиб ўламиз. Бир биз эмас, бошка хайвонлар хам шундайлар ва инсон ва хайвонларнинг ичларидан чикгон хаволар захарлануб, иккинчи ютишга ярамай колурлар. Буларни эса ўланлар ва дарахтлар ютиб, тириклик килурлар.

Булут

Бир козонга сув тўлатиб остидан олов ёкилса, бир оз исигандан сўнг ул сувдан буг чика бошлайдур. Агарда оловни хадеб ёкилаверса, сув кайнаб-кайнаб озая бошлар. Охирида сувнинг хаммаси буг бўлиб чикуб кетуб, козон куруб колар. Бундан маълум бўлурки, сув исигон сари буг бўлиб осмонга кўтарилир экан. Ер юзидаги денгизлар, кўллар ва дарёларни куёш иситган сари, ондаги сувлар буг бўлиб, осмонга чика бошлайдур. Куз ва киш кунларида эрталаб сув бўйларида туриб диккат килган киши сувдан доимо буг чикиб турганлигини кўп яхши биладур. Мана шул сувлардан пайдо бўлгон буглар ердан бир неча сожин юкорига кўтарилигандан сўнгра бир-бирларига кўшилиб калинлашурлар. Шамол кучи ила хар тарафга юриб, харакат килурлар. Куёш, ой ва юлдузларнинг олдиларини тўсиб кўк юзини корайтуурлар. Биз шул буг йигинларини булут деб атаймиз.

Сўнг